

Япония Халқаро Университетига (ЯХУ) Ўзбекистонлик талабалари марҳамат!



Қисқача ЯХУ хақида


- ◆ ЯХУ магистрлик мактаби бўлиб Японияда 1982 йилда ташкил топган. Бу олийгохнинг асосий мақсадлари – юқори махсуллашган назарий ва амалий билимларга эга ҳамда турли маданиятларга нисбатан тушунишга эга бўлган бўлажак сардорларни тайёрлаш ва шу тариқа уларнинг дунё ҳамжамиятига хисса қўшиш қобилиятини оширишдир.
- ◆ Биз 5 хил магистрлик дастурлари таклиф қиламиз:
 - Бизнес бошқарув магистрлик дастури (ББМ)
 - Электрон бизнес бошқарув дастури (бир йиллик магистрлик дастури)
 - Халқаро Тараққиёт Дастури (ХТД)
 - Халқаро Муносабатлар Дастури (ХМД)
 - Халқаро Тинчлик Урганиш Дастури (ХТУ)
- ◆ Бизнинг юқори малакали ўқитувчилар гуруҳининг 90 фоизи АКШ ва Европанинг нуфузли олийгохларининг докторантура дастурини тамомлашган. Улар талабаларнинг илмий изланишларида яқиндан кўмак беришади.
- ◆ ЯХУнинг АКШ услубидаги муассаса-ички мансаб босқичлари маслаҳат ва хизматлари талабаларнинг мансаб босқичларида муваффақиятли ўтиши учун қобилиятларни узоқ муддат давомида ривожлантириш ва индивидуал тайёрлаш билан таъминлайди.
- ◆ Бу масканда дунё бирлашади; 50дан зиёд давлатлардан талабалар тахсил олишади, ва 100дан орти мамлакатларда 2600тадан кўп битирувчилар фаолият кўрсатади.
- ◆ Барча дарслар фақат инглиз тилида олиб борилади.
- ◆ Бир неча босқичли япон тили курси ўқитилади.
- ◆ Муносиб Осиёлик талабаларига грант асосида ўқиш имкониятлари мавжуд.

ЯХУ ва Ўзбекистон хақида далиллар

- ◆ Ўзбекистондан 39та талаба бу олийгохни тамомлаган (хамма битирувчиларни 1,5 фоизини ташкил қилади).
- ◆ Хозирда 10та Ўзбекистонлик талабалар тахсил олмоқда (жорий ўқув йилининг талабаларини 3,5 фоизини ташкил этади).
- ◆ ЯХУнинг Ўзбекистонлик биринчи қалдирғочларидан бири Бобур Мурхамедов, ХМДни 1998 йил битирувчиси. Ўзбекистон Ташқи Иқтисодий Ишлар Вазирлигининг Европа Давлатлари Бўлими Бошлиқ Ўринбосари сифатида ишлаганидан сўнг, Токио Электр Куввати Хизматлари МЧЖнинг (Токио Электр МЧЖга 100% тегишли)

Марказий Осиё ва Кавказ Минтақавий Менеджери лавозимида тайинланди.

- ◆ ХМДни 2002 йил битирувчиси Азиз Махмудов Ўзбекистон-Япония Инсон Ресурсларини Ривожлантириш Марказида Дастур Бошқарувчиси сифатида Ўзбекистон ва Япония орасида муҳим кўприк сифатида хизмат қилгандан сўнг докторантура даражасини Японияда ўқимокда.
- ◆ Бизнес Бошқарув Магистрлик дастурини 2005 йил битирувчиси Бобур Назарзода хозирда МТС-Ўзбекистонда (МДХда энг машхур уяли алоқа таъминловчи компания) Маркетинг Бўлими Бошлиги лавозимида фаолият кўрсатмоқда.
- ◆ Бизнес Бошқарув Дастурининг 2006 йил битирувчиси Фарход Ниёзов, биринчи ўқув йили давомида Сингапур Миллий Университетида ўтказилган Жаҳон Бизнес Режалари аро Мусобақада “Ураса командаси” сардори бўлган ва мусобақанинг сўнгги босқичларигача етиб борган. Дунёнинг 115 командаси ўз режаларини топширгач, “Ураса командаси” биринчи 8та ўрин орасида тан олинди.



Фарход (ўнгда) командадошлари билан: (чапдан) Хиро – Япониялик талаба, Катрин – Германиялик талаба, ва Лиём – Вьетнамлик талаба

- ◆ ЯХУ “Хаммом ичида энг кўп сонли миллатлар вакиллари қайд қилиниши” бўйича Гиннесс жаҳон рекордларига ёзилди. ЯХУнинг рекорди 50 хил миллатлар қайд қилган. Уларнинг орасида Ўзбекистонлик Акмал Аминов, ХТДнинг 2008 йил битирувчиси, ўзбек миллати вакили бўлиб қатнашган.



- ◆ Музаффар Хақимов, Бизнес Бошқарув Магистрлик дастурини 2007 йилги

битирувчилардан бири. У хозирда Ўзбекистондаги Шотландия Роял Банкада (аввалги АБН АМРО Банк НБ АО Ўзбекистон) Муносабатлар бўйича Банк ходими бўлиб ишламоқда

- ◆ Ўзбекистондаги Шотландия Роял Банкада яна бир ЯХУ битирувчиси Комилжон Уринбоев (2003 йил ББМ талабаси) Молиявий Масалалар бўйича Директор (СФО) лавозимида фаолият кўрсатмоқда
- ◆ Хозирги пайтда ХТД талабаси Комила Азизова талабалар ахли орасида энг фаол талаба дейилса муболаға бўлмайди. У Халқаро Муносабатлар Магистрлик Мактабининг (ХМММ) Ўқув ишлари бўйича Совет Президенти бўлиб талабалар манфаатини масалалари бўйича вакиллик қилади ва ХМММ талабаларини ўқиш шароитларини яхшилаш билан шуғулланади. Бундан ташқари у Магистрлик Мактаби Ижроий Комитетининг Ижтимоий Масалалар бўйича жавобгар шахсдир. Ўқишдан бўш вақтларида Комила арабча рақс тўрагини ташкил қилади ва олиб боради.
- ◆ Ўзбекистонлик битирувчиларни ишлаш жойлари ҳақида демографик маълумотлар куйидагича: Ўзбекистонда – 64.3%, Японияда – 14.3%, Шарқий Европа ва Россияда – 10.7%, Европада – 3.6%, Яқин Шарқда – 3.6% ва Австралияда – 3.6%

Ўзбекистонлик ЯХУнинг битирувчиларидан хабар



ХМДни 2003 йил битирувчиси Ботир Жамолов, Голдман Сакс ва компания (АКШ) Хусусий Мулк Бошқариш Булими Молиявий аналитик

Япония Халқаро Университетига ўқишга кирганимдан сўнг ҳақиқий таълим олиш нималигини хис қила бошладим. Албатта бу мен учун қийин синов эди. Шундай пайтлар ҳам бўлдики мен уй вазифаларини бажариш ва илмий ишни ёзиш учун вақт етишмаслигидан вақтимни қандай қилиб тенг тақсимлашга қийналар эдим. Баъзи пайтларда дарсларим хаддан ташқари кўплигидан кечалари бедор бўлиб дарсларга тайёрланардим. Лекин ЯХУда ҳаёт қизиқарли бўлганлиги сабабли, бу қийинчиликлар деярли сезилмас эди. Менинг фикримча, ЯХУнинг энг афзал тарафи, ундаги шаклланган ўзгача мухитдир – деярли барча талабалар бир жойда яшашидир. Бу ҳақиқий маданий тажриба эди. Бизнинг ЯХУнинг ҳар хил дам олиш хоналарида йигилишларимиз, бильярд бўйича мусобақалар, ЯХУнинг Очилиш Кунлари ва бошқа маданий маросимлар ханузгача эсимда.



ББМни 2006 йил битирувчиси Фарход Ниязов, Карлсберг-Ўзбекистонда Корпоратив Масалалар Директори

Ишончим комилки, ЯХУни тугаллаганимдан сўнг кўп нарсаларга ўзгача қарашни бошладим, шу жумладан бизнес операциялари, мансаб босқичлари мақсадлари, ва турли хил бизнес муаммоларига оид қобилиятлар. Менинг бошқа курсдошларимдан фарқли ўлароқ, аввалги ишлаш жойимга қайта олмаганлигим сабабли, янги имкониятлар излашни бошладим. Шунда мен биринчи ўз олдимга қўйган мақсадим ЯХУда олган билим ва тажрибаларни ишлатиш эди. Буларга бошқарув, молия, операциялар ва бошқа фанларда олинган “аниқ қобилиятлар” ва кўп миллатли мухитда вақт талаблари остида ишлаш, меъёрни хис қилиш, бошқалар фикрини тушуниб чидай олиш, ва жадал ўзгарувчи шароитларга мослаша олиш каби “мажхул қобилиятлар” киради.

Энг қизиқарлиси шундаки, менинг иш излашим Керимкан Озкан (ЯХУнинг Маркетинг профессори) назорати остида Бизнес Бошқарув Магистрлик илмий ишим устида ишлаётганимда ўрганган Марк Грановеттернинг кучсиз боғламлар кучлилиги назариясини “хаётий исботидир”. Кисқача айтганда, бу назария инсоннинг оила аъзолари ва яқин ўртоқларига нисбатан, узоқроқ дўстлари ва танишлари кўпроқ билим ва маълумотлар беради, айниқса иш вакансиялари ҳақида, деган фикр юритади. Айнан шундай менда содир бўлди. Бир неча йил мулоқот қилмаган дўстим янги очилган қўшма корхонада Кадрлар Бўлими Бошлиги экан. У мен билан алоқага чиқиб, компаниядаги вакант иш жойига ҳужжатлар топширишни таклиф қилди.

Танлов жараёни тугагач, мен давлатимиздаги Сарбаст Плюс ва Карлсберг Гурухи орасида янги ишга тушган қўшма корхонада Корпоратив Масалалар Директори сифатида ишлашни бошладим.

Бизнинг компания мени корпоратив масалалар ишлаш тизимини йўлга қўйиш каби катта ишонч билан ишга қабул қилди. Бу ББМда олган билимларимни қўллаш учун менга берилган катта фурсат эди. Бошқача қилиб айтганда, мен “кенг-глобал фикрлаб, маҳаллий ҳаракат қил,” “кенгрок кўра олгин” ва “акциядорлар кутган талабларига жавоб бериш мақсадида махсулот қиммати асосидаги кетма-кетликни ривожлантириш” деган нақлларни ишлатишим керак эди. Кўра олиш ва бажариш деган тушунчалар назарийликдан амалийликка айланди.